



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 5 сентябрь, № 184 (9079)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ТИЗИМ

Президент Шавкат Мирзиёев
4 сентябрь кuni қишлоқ хўжалигида
қўшилган қиймат занжирини
яратиш чора-тадбирлари бўйича
тақдирот билан танишди.

Сўнгги йилларда бу соҳа таркибий жиҳатдан ислоҳ қилиниб, самарадорлиқни ошириш чоралари кўрилди. Пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилди. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди. 1 миллиард долларлик 1 минг 500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилди.

Лекон қишлоқ хўжалигида ҳамон “яширин иқтисодиёт” улуши юқори. Етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммаси ҳам ҳисоботларда қайд этилмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда қўшилган қиймат солиғи 12 фоизни ташкил этмоқда.

Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида кўтарилган эди. Давлатимиз раҳбари бу борада деҳқон ва фермерларга қулайлик яратиш, солиқ юқини енгиллаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берганди.

Шунга мувофиқ, Халқаро валюта жамғармаси, малакали хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирокида қишлоқ хўжалигини “соя”дан чиқариш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

ЎзА.

Мусобақа

ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН САМАРҚАНДДА КУРАШ БОШЛАНДИ

Ўзбекистонда илк бор «Grand Swiss 2025»
халқаро турнири бўлиб ўтмоқда

Кунини кеча дунёнинг 39 мамлакатидан ташриф буюрган 170 дан ортиқ шахматчилар тарихий ва азим Самарқандда жам бўлди. Бунинг асосий сабаби эса юртимизда илк бор ташкил этилаётган “Grand Swiss 2025” халқаро шахмат турниридир.

Маълумки, ушбу нуфузли мусобақа кўп йиллардан буён швейцарча тизимда 11 тур давомида ўтказилади ҳамда унда жаҳон шахмат рейтингига юқори ўринларни эгаллаб келаётган кучли гроссмейстерлар, шунингдек, Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) президенти тавсияси билан тақлиф этилган шахматчи ва халқаро мусобақалар голиблари қатнашади.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

4 сентябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ўнинчи ялпи мажлиснинг биринчи иш кунини сенаторлар “Масъулият чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, корпоратив муносабатларни ривожлантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Муҳокама давомида эътибор масъулият чекланган жамиятлар фаолиятини тартибга солувчи нормаларни тизимлаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиқиб, уларни тўлдирish зарурати мавжудлиги қаратилди.

Ушбу қонунда жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналарини, шубба ҳамда қарам хўжалик жамиятларини очиш тартиби, жамият иштирокчиларининг ўртасидаги низоли вазиятни ҳал этиш ҳамда жамият умумий йиғилиши баённомаси нусхаларини иштирокчиларга етказиш масалалари ўз аксини топган. Бундан ташқари, жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тартиби ҳамда жамиятнинг яккабўшчилик асосидаги ижро этувчи органи (директорнинг ва коллегиал ижро этувчи органларининг мажбуриятлари ҳам назарда тутилмоқда.

Қонун билан жамият нафақат лицензия, балки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёки хабардор қилиш тартибида муайян фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиги белгиланмоқда. Жамият иштирокчиларига ўз корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида корпоратив шартномалар тузиш каби бир қатор ҳуқуқлар берилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, жамият кузатув кенгашининг қарорларини сирдан овоз бериш ва кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тартиби, кузатув кенгашининг ваколат-



лари ҳамда миноритар иштирокчилар қўмитасини ташкил этишга оид қонун мустаҳкамланмоқда.

Мажлисда масъулият чекланган жамиятлар фаолиятига замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф қилиш ҳамда жамият иштирокчиларининг

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида урғу берилди.

Сенаторлар ўз чиқишларида ушбу қонун жамият иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини янада мустаҳкамлашни, уларнинг улушлари алдов ва фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилишига йўл қўймаслик учун ҳуқуқий

асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Муҳокама якунида мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

➡ 2

Сиёсий партиялар фракцияларида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимизнинг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

Депутатлар ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, у билан содир қилган жинояти учун жазога тортилган 523 нафар шахс афв этилгани, бу нафақат уларнинг ҳаётида, балки оиласи, фарзандлари ва бутун жамият учун катта маънавий аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

— Партияимиз Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда адолат мезонларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони айнан шу тамойилларга ҳамоҳанг бўлиб, фуқароларни қонун устуворлиги асосида жамиятга қайта интеграциялашга хизмат қилади, — деди фракция раҳбари Робохон Маҳмудова.

Йиғилишда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллиқда-

ги ижроси муҳокама қилинар экан, депутатлар партия електорати манфаатларидан келиб чиқиб тиббий хизматлар, таълим сифати, суд-ҳуқуқ масалаларида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши масаласига эътибор қаратди. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан 19,4 трлн. сўм ёки 2024 йилнинг мос давридагига нисбатан 2,8 трлн. сўм кўп маблағ ажратилгани алоҳида эътироф этилди.

Фракция аъзоси Зухриддин Мавлонов мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, ҳисоботда Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2025 йил учун Давлат бюджетни орқали ажратилган маблағларнинг ишлатилмай қолганлиги сабаблари билан қизиқди. Мутасаддилар кўтарилган саволлар бўйича батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси йиғилишида Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани ислохотларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани таъкидланди.

➡ 4

ШХТ саммити:

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ВА ХИТОЙ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 31 август — 3 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикасига амалга оширган расмий ташриф доирасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидаги учрашувда қатнашиши ҳамда ХХР Раиси Си Цзиньпин билан расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказган музокаралари Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштироки ва Хитой билан ҳамкорлиқни ривожлантиришда янги муҳим босқични белгилаб берди.

Таҳлил

Аввало, ШХТ ва унинг моҳияти тўғрисида тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда ушбу ташкилот 10 та аъзо давлатни, 2 та кузатувчи ва 14 та мулоқот бўйича шерик мамлакатни бирлаштиради. Аъзо давлатлар қаторига Хитой, Россия, Ҳиндистон каби йирик давлатлар қиради. Ташкилот-

га аъзо давлатларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидagi улуши қарийб 25 фоиздан иборат. Бу борада Хитой ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича дунёда иккинчи ўринда, Ҳиндистон эса бешинчи ўринда туради. ШХТга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди Евроосиё ахолисининг 60 фоиздан ортигини, аҳолиси эса дунё нуфусининг тахминан 42 фоизини ташкил этади.

➡ 3



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Кайд этилганидек, қонун жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдан узилиб қолишининг олдини олиш, китоб ўқишини рағбатлантириш орқали қонунга итоаткор, маънавий ва ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилгандир. Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларида маҳкумларнинг жазони ўташ муддати улар тузалиш йўлига ўтганлиги муносабати билан қисқартирилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодекси жазони ўташ муддатини шахс тузалиш йўлига ўтганлиги муносабати билан қисқартиришини назарда тутувчи 74¹-модда билан тўлдирилмоқда.

Бунда маҳкумлар томонидан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тасдиқланган, маҳкумларда тўғри маънавий ва ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилган адабиётлар рўйхатидаги китобларни ўқиса ва ушбу китобларни ўқиганлиги факти тасдиқланган тақдирда жазони ўташ муддати ҳар бир ўқилган китоб учун уч кунга, бироқ бир йилда кўпи билан ўттиз кунгача Комиссиянинг ҳулосасига асосан суд томонидан қисқартирилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Ушбу норма фақат жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши назарда тутилган (умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлардан ташқари) шахсларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган ушбу ўзгартиришлар бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган 13,5 мингдан ортиқ маҳкумларга нисбатан татбиқ этилади.

Шу билан бирга, қонун билан “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга ҳам профилактик ҳисобга олиш асослари мақбуллаштирилишини ҳамда профилактик ҳисобга олинмадиган маъмурий хуқуқбузарлик турлари уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, хусусияти, келгусида жиноий қилмиш содир этилиши мумкинлиги каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128¹⁰ ва 131-моддаларида назарда тутилган, яъни йўл безорилиги ва транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқарилган учун содир этилган маъмурий хуқуқбузарлик учун суд томонидан муайян муддатга транспорт воситаларини бошқариш хуқуқидан маҳрум этилган шахслар профилактик ҳисобга олиниши алоҳида тоифа сифатида белгиланмоқда.

2024 йилда транспорт воситасини бошқариш хуқуқидан маҳрум этилган 11 мингга яқин шахслар томонидан 23 582 та йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолати аниқланган. Бунинг оқибатида 1 019 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, унда 295 нафар фуқаро вафот этган ва 873 нафари жароҳатланган.

Шу боис йўл-патруль хизмати ходимларига профилактика инспекторлари томонидан кўмаклашиш амалиёти йўлга қўйилди ва бу орқали транспорт воситаларини бошқариш хуқуқидан маҳрум этилган шахслар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш имкониятлари кенгайтирилади.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши маҳкумларни ахлоқдан тузатиш, уларда жамият қоидалари ва аъналарига нисбатан ҳурматни шакллантириш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга, профилактик ҳисобга олинган шахслар билан олиб бориладиган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш орқали мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашишга ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг навбатдаги ялпи маж-

лисида “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида ушбу қонун аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилгани таъкидланди. Унда давлат ижтимоий суғуртасининг амал қилиши, суғурта ҳодисаси, суғурталанган шахснинг, суғурталовчининг, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган.

Қонунда давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари манбалари, суғурта бадалли ставкаси, суғурта бадалларини тўловчилар, давлат ижтимоий суғуртаси молиявий баркадорлигининг давлат кафолатлари, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш каби қатор масалалар назарда тутилган.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан ушбу қонуннинг айрим нормаларини қайта қўриб чиқиш ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Хусусан, қонунда ваколатли органнинг ваколатлари ва вазифалари очиб берилмаган.

Шунингдек, сенаторлар томонидан қонунда ўндан ортиқ ҳаволаки нормалар мавжудлигига ургу берилди. Бу эса қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилишга салбий таъсир кўрсатишига олиб келиши қайд этилди.

Бундан ташқари, қонун қабул қилиниши натижасида амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш масаласи қонунда назарда тутилмаган.

Сенаторлар ушбу камчиликлар бартараф этилиши лозимлиги хусусида ўзларининг таклифларини билдирди.

Муҳокама натижалари бўйича қонун сенаторлар томонидан рад этилди. Шунингдек, ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Маълумки, мамлакатимизда сўнгги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли

қилинишини таъминлашга ва коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишга хизмат қилишига эътибор қаратди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра ялпи мажлисда “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сенаторлар томонидан ушбу қонунни қабул қилиш заруратида алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ислохотлар жараёнида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишини рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай бўйинтовлашнинг олдини олиш, фуқароларнинг мол-мулки ва пул маблағлари дахлсизлигини кафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонунда ижро ҳужжатлари асосида аукцион савдоларида сотилмаган мол-мулк ундирувчига натура шаклда ўтказилаётганда рўйхатдан ўтказувчи идора томонидан қўйилган барча тақиқлар давлат ижрочисининг қарори асосида бекор қилиниши белгиланмоқда. Бунда давлат ижрочисининг қарори мол-мулкни тақиқларсиз давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлиши мустаҳкамланмоқда.

Қонунни ишлаб чиқишда бир қатор илгор давлатларнинг қонунчилик тажрибаси ўрганилгани ҳамда инобатга олингани таъкидланди.

Қонун кредиторларнинг гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга, мол-мулкка нисбатан қўйилган таъминловчи қоралар давлат ижрочисининг қарорлари асосида бекор қилинишига, кредит ташкилотларининг муаммолари активлар улушини камайтиришга ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

газнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олишга давлат божлиқ қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокама жараёнида сенаторлар мазкур қонун қора ва рангли металл парча ва чиқиндилари ҳамда табиий газ савдоси соҳасига хусусий секторни ва янги инновациялар ҳамда инвестицияларни жалб этишга, шунингдек, рақобат ва очик бозор муҳитини яратишга хизмат қилиши хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига таълим хизматлари кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда таълим сифатини янада яхшилаш, аҳоли барча қатламларининг таълим олишга бўлган конституциявий кафолатларини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, мазкур қонун ҳам ушбу ислохотларнинг мантиқий давомий сифатида ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги ишларни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларнинг олдини олишга қаратилган.

Қонун билан киритилаётган асосий ўзгартириш шундан иборатки, “мактабдан ташқари таълим” атамаси илгор халқаро талабларга мувофиқ “қўшимча таълим” атамаси билан амаллаштирилмоқда.

Шунингдек, “қўшимча таълим” атамасига таъриф берилиб, у болалар учун қўшимча таълим ва катта ёшдагилар учун қўшимча таълим турларига ажратилмоқда.

Бундан ташқари, давлат қўшимча таълим муассасалари таълим соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда ташкил этилиши назарда тутилмоқда. Бунда болалар учун нодавлат қўшимча таълим фаолияти Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигини, катта ёшдагилар учун эса Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигини ҳабардор қилиш орқали амалга оширилади.

Муҳокама жараёнида сенаторлар томонидан ушбу қонуннинг қабул қилиниши таълим турлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд номувофиқ ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ноширлик фаолияти соҳасини такомиллаштиришга, сифатли адабиётларни чоп этишни қўллаб-қувватлашга, китобхонлик маданиятини оммалаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан муҳокама қилинган “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун ҳам ана шу ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Сўнгги 4 йилда мамлакатимизда нашриётлар сони 3,5 баробар қўпайиб, 590 тага етди, шундан 90 фоизини (531 та) хусусий нашриётлар ташкил этмоқда.

Бугунги кунга келиб нашриётларнинг ишлаб чиқариш қуввати 2 баробар ошиб, ҳар йили ўртача 11 минг номда 40 миллион нусхада адабиётлар нашр этилмоқда.

Соҳани ривожлантириш мақсадида 25 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар киритилган. Шунингдек, 2025 йил 1 январдан бошлаб нашриёт қорхоналари фойда солиғини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди.

Шу билан бирга, соҳада вужудга келаётган янги ижтимоий муносабатлар, олиб бориладиган ўрганишлар натижалари “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг айрим нормаларини такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Сўнгги пайларда чоп этилаётган китобларда болаларнинг ёш хусусиятларига мос бўлмаган ва онгига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлар акс этгани, айримлари амалдаги давлат стандартлари



талабларига мос келмаслиги, тарихий фактлар нотўғри тарзда берилгани, ноаниқ ва илмий исботланмаган маълумотлар баён этилгани аниқланган.

Мазкур қонун “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга нашриёт бож муҳаррирининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, китобхонлик маданиятини рағбатлантиришга қаратилган тузатишлар киритишни назарда тутди.

Қонунда бож муҳаррир нашриёт тахририятининг ижодий фаолиятига раҳбарлик қилиши, нашриётнинг мавзу режалари ишлаб чиқилиши ҳамда нашрларнинг қонунчилик талабларига, ноширлик фаолияти соҳасидаги техник регламентлар (миллий стандартлар) талабларига мувофиқ тайёрланиши учун масъул эканлиги белгиланмоқда.

Эндиликда бож муҳаррир лавозимига олий маълумотга ва ноширлик фаолиятида камида уч йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланади. Бож муҳаррир ташкилотнинг муассиси (муассислари) ёки раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Бундан ташқари, нашриёт нашрларини чиқариш тўғрисидаги қарор бож муҳаррир томонидан қабул қилиниши, у нашриётнинг ижодий фаолияти учун жавобгар эканлиги каби нормалар мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, қонун билан китобхонлиқни рағбатлантириш китобхонлик маданиятини оммалаштириш ва ошириш таомилли сифатида белгиланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун китобларни миллий стандартлар асосида чоп этишга, китобларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид мазмундаги ахборотлар тарқатилишининг олдини олишга ҳамда жамиятда китобхонлик маданиятини, нашриётларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда транспорт соҳасини ривожлантиришга, ташишларнинг хавфсизлигини юқори даражада таъминлашга, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, транспортда ташишларга нисбатан қўйиладиган талаблар ва шартларга амал қилиниши борасида ташувчиларнинг масъулиятини ошириш, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишда коррупцияга барҳам бериш, транспорт соҳасидаги назоратнинг самарадорлигини янада ошириш учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни қайта қўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Шунингдек, транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузурида Транспорт назорати инспекцияси ташкил этилганлиги муносабати билан қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилмоқда.

Ушбу қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва ҳабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда

“Транспорт тўғрисида”ги қонунларга транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда ташишлар самарадорлигини ва сифатини ошириш орқали юк ҳамда йўловчилар ташишдаги хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга темир йўл транспорттида ва метрополитенда ҳаракат ва ташиш хавфсизлиги талабларини ҳамда йўловчиларни, бағажни ва юк бағажини ташиш қоидаларини бузганлик учун жазима солишга сабаб бўлишини белгиловчи қўшимчалар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, 2023 йил давомида метрополитенда 172 миллион, йўловчи поездларда 9 миллион 300 минг йўловчи ташилган бўлса, 2024 йилда метрополитенда 270 миллион, йўловчи поездларда 10 миллион 70 минг, шунингдек, автомобиль транспорттида 8 миллиарддан ортиқ йўловчиларни ташилга эришилди. Бундан ташқари, 2024 йил давомида темир йўл транспорттида 102,7 миллион тонна юк ташилган бўлса, автомобиль транспорттида 2 миллиард тоннадан ортиқ юк ташилган.

Бу эса ўз навбатида давлат назоратини амалга оширишда йўловчи ва юкларни манзилига ўз вақтида хавфсиз етказиш, уларга хизматлар кўрсатиш жараёнининг узлуксизлиги, сифатлилиги, барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш лозимлигини таъқозо этмоқда.

Амалдаги қонунчиликда темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича камчиликлар ва хуқуқбузарликлар аниқланганида Транспорт назорати инспекцияси юридик шахсга нисбатан фақат кўрсатма бериш ҳуқуқига эга.

Жумладан, темир йўл транспортти ҳамда метрополитенда 2024 йилда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг қўпол бузилиши билан боғлиқ 130 та ҳодиса содир этилган. Натижада ҳаракатдаги таркиб ва темир йўл инфратузилмасига қарийб 4 миллиард сўм моддий зарар етказилган. Худди шунингдек, мамлакатимиз автомобиль йўлларининг тартибга солинмаган темир йўллари кесишмаларида поездлар ҳамда автотранспорт воситалари иштирокида 2024 йилда 38 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ва бунинг оқибатида 11 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 113¹-модда билан тўлдирилиб, ташишлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қоида ва талабларни бузганлик учун мансабдор шахсларга ва хизматчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жазима солишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Муҳокама қилинаётган қонун билан халқаро ва шахарлараро автомобиль ташувчиларини амалга оширишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимини бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида жазима солишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан қонун транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга ҳамда юк ва йўловчилар ташишдаги хавфсизлиқни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАР

Кеча Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Йиғилиш кун тартибига ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга дахлдор қатор масалалар ва қабул қилиниши зарур бўлган қонунлар киритилган. Сенаторлар томонидан ҳар бир қонун қизғин муҳокамалардан сўнг маъқулланди ёки айрим тақомилига етмаган, деб ҳисобланганлари қайта кўриб чиқиш ва маромига етказиш мақсадида қайтарилди. Бу хусусда сенаторлар ўз фикрларини билдирди.

Муносабат

Кўчмас мулкка қўйилган тақиқ давлат ижрочиси қарорига мувофиқ олиб ташланади

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси: — Мамлакатимизда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини илғор хорижий тажриба асосида тақомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Ислохотлар жараёнида суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш, суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай бўйин товланинг олдини олиш, фуқароларнинг мол-мулки ва пул маблағлари дахлсизлигини қафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш зарурати юзга келмоқда. “Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун бу борадаги ишларнинг мантқий давоми бўлиб, 2025 йил 15 апрелдаги “Қарздорлик ҳисобига банклар балансига олинган мол-мулклар реализациясини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарориди белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 июлдаги тегишли қарорига мувофиқ, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахслар ҳамда устав фонднинг 50 фоизи ва ундан ортиги мазкур юридик шахсларга тегишли ташкилотларнинг улушлари, барча асосий воситалари, яъни кўчмас мулклари, автомобилъ ва бошқа асосий воситалар “Е-auktion” электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши белгиланган. Маълумотларга кўра, бугунги кун ҳолатида банклар балансида 6,5 трлн. сўмлик 3 мингта мол-мулк сотилмасдан, ҳаракатсиз ҳолда турибди. Мазкур мол-мулклар бир неча марта аукци-

он савдосига чиқарилган бўлса-да, сотилмасдан қолган. Бунинг асосий сабаби ушбу мол-мулкларга нисбатан бошқа турли тақиқлар мавжудлигидир. Бундай муаммонинг келиб чиқишига эса ушбу мулкларни банк балансига расмийлаштириш ва кейинги тақдирини ҳал қилишда қонунчиликда бўшқилқор борлиги сабаб бўлган. Шу боис юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф қилиш ва ундирувчилар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 56-моддасини 9-қисм билан тўлдириш тақлиф қилинмоқда. Бундан ташқари, “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонунга ҳам тақлиф этилаётган нормалардан келиб чиқиб, яъни кўчмас мулкка қўйилган тақиқ давлат ижрочисининг реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳақидаги, далолатномаси асосида чиқарилган қарорига мувофиқ олиб ташланиши белгиланмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан кредиторларнинг гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга, мол-мулкка нисбатан қўйилган таъминловчи чоралар давлат ижрочисининг қарорлари асосида бекор қилинишига ва кредит ташкилотларининг муаммоли активлар улушини камайтириб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя этилишига эришилади.

Масъулияти чекланган жамиятлар ҳуқуқларини янада мустақкамлаш йўлида

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси: — Мамлакатимизда Президентимизнинг ташаббус ва кўрсатмалари билан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг ташкилий шакллари ни белгилаш ва корпоратив муносабатларини халқаро нормаларга уйғунлаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, 2022 йил 8 ноябрдаги “Корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан қатор вазифа ва йўналишлар белгилаб берилди. Янги таҳрирдаги “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам Президентимизнинг ушбу қарори асосида ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон ҳамжамияти иқтисодий бирлашмаларига интеграциялаш жараёнига кенгайиб бораётганлиги, корпоратив бошқарув муносабатларига замонвий талаблар жорий этилаётганлиги амалдаги қонунларни қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жумладан, амалдаги “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Қонун ҳам юқорида айтилган талабларни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштирилиши талаб қилади. Чўнки унда жамият иштирокчиларига ўз корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида корпоратив шартномалар тузиш ҳуқуқи ва жамиятнинг ихтиёрига кўра, жамият иштирокчилари устав фонднинг (устав капиталининг) ҳисоби шартнома асосида Қимматли қоғозлар маркази депозитарийси томонидан юритилиши мумкинлиги назарда тутилмаган. Шунингдек, юридик шахсларни давлат рўйха-

тидан ўтказувчи органнинг талабномасига асосан суд тартибиди тўғатиш қонунчилик талабларига тўғри келмайди ва жамиятнинг филиали ҳамда ваколатхоналарини очиш тартиби, жамият иштирокчилари ўртасидаги низоли вазиятнинг медиация ёки ҳақамалик суди тартибиди ҳал этиш, жамият ўми йиғилиши баённома хусуларини иштирокчиларга етказиш масаласи белгиланмаган. Шу боис ушбу қонун тартибга солинувчи нормаларни тизимлаштириш ва биржиллаштириш ҳамда ижобий хорижий тажрибадан келиб чиқиб уларни тўлдириш заруряти мавжудлиги сабабли ишлаб чиқилган. Унда масъулияти чекланган жамият лицензия асосида амалга оширадиган фаолият турлари билан бир қаторда бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар ва хабардор қилиш тартибиди фаолият турлари билан шугулланиши мумкинлигини назарда тутувчи нормалар белгиланмоқда. Жамиятларнинг филиали ва ваколатхоналарини очиш ҳамда шўбча ва қарам ҳўжалик жамиятлари тартиблари алоҳиди модда сифатида киритилмоқда. Бундан ташқари, жамият иштирокчиларига ўз корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида корпоратив шартномалар тузиш ҳуқуқи берилмоқда ҳамда ўзига оид маълумотлар (жойлашган ери (почта манзили), телефон рақами, электрон почта манзили) ўзгарганлиги ҳақида жамиятнинг хабардор қилиш мажбурияти юклатилмоқда. Ўз хиссасини тўла қўшмаган иштирокчилар, агар ушбу ҳаракатлар жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштиришига олиб келса, жамият ижро этувчи органининг аризаси асосида суд тартибиди иштирокчилар сафидан чиқарилиши мумкинлиги ҳамда жамият иштирокчиларининг улушлари билан боғлиқ низолар суд томонидан кўриб чиқилаётганда жамият устав фондига ўзгартиришлар киритиши суд тартибиди чекланиши мумкинлиги белгиланмоқда. Ушбу қонун қабул қилиниши натижасида жамият мулкни ҳимоялаш ва иштирокчилар ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, мулкдорлар синфининг янада ўсиши ҳамда ривожланишига, хусусан, инвестиция муҳити равнақ топишига, фаол хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга кириб келишига замин яратилади.

«Халқ сўзи».

«ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ» ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР БИЛДИРДИ

Олий Мажлис Сенатиди Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссия раиси, сенатор Анвар Тўйчиев Корея Республикасининг Мирянг шаҳри Маҳаллий вакиллик органи раиси Хо Хонг бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик стратегик шериклик даражасига кўтарилигани таъкидланди. Мамлакатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланиши ва мустақамланишида муҳим аҳамият касб этаётгани айтилди. Икки мамлакатнинг барча йўналишлардаги ҳамкорлиги, хусусан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларидаги иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш ҳамда ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожланти-

риш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, парламентлараро мулоқотни мустақамлаш, дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш ва кенг қўламадаги кўшма тадбирларни ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама марказида бўлди. Бунда “Электрон парламент” тизимини жорий қилиш, “ақли” қишлоқ ҳўжалиги лойиҳасини амалга ошириш, экология ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлиқни кучайтиришга алоҳиди ургу берилди.

«Халқ сўзи».

ШХТ саммити:

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ВА ХИТОЙ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

ШХТ айнан бу борада энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. ШХТнинг 2002 йилдаги Хартиясига асосан унинг мақсад ва вазифаларига аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшнчилик муносабатларини мустақамлаш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлиқни сақлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорлиқни рағбатлантириш каби масалалар киради.

Тенглик, хавфсизлик, манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш принциплари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойнинг нуфузли “China Daily” нашрида эълон қилинган мақоласида ШХТ доирасидаги ҳамкорлик ва янги Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотдаги фаол иштироки тизимли таҳлил қилиниб, “ШХТ давлатларни тенглик, манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш ва ички ишларга аралашмаслик принциплари асосида бирлаштирадиган халқаро ҳамкорлиқнинг жозиба-ли ва кенг миқёсда талаб этила-диган моделига айланиб бормоқ-да”, дея асослантилган ҳуло-са берилган.

Бу борада Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг нафақат оддий иштирокчиси, балки доимий тарзда тизимли ташаббусларини илгари сурадиган драйверларидан бири бўляпти, деб айтишимиз мумкин. Ўзбекистон томонидан 2017 — 2025 йилларда мазкур ташкилот доирасида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича 105 та ташаббус илгари сурилди ва уларнинг 83 таси рўёб-га чиқарилди, 22 таси эса амал-га ошириш жараёнида.

Бу гаги саммитда Президентимиз ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ва “ШХТ плюс” форматигаги учрашувда бир қатор тақлифларни илгари сурди.

Ташкилотнинг самарадорлигини ошириш, унинг изчил кенга-йиши бўйича фикр билдирилди. Ўз келажагини ШХТ билан бо-глиқ ҳолда кўраётган давлатлар-нинг иштишларини Ўзбекистон қўллаб-қувватлашга тайёр экан-лиги айтилди. Албатта, ШХТ ри-вожланиши тўхтаб қолган таш-килот эмас, бу борада унинг қарама-қаршиликка бормаслик, учинчи тарафга қарши ҳаракат қилмаслик ва давлатларнинг тўлақонли тенглиги, мулоқот ва ҳамкорлик йўли билан тинчлик-ка қўмаклашиш каби жозибдор го-яларини бошқа минтақаларга ҳам жорий этиш, соҳалар бўйи-ча ташкилот доирасидаги шерик-лиқни янада кенгайтириш кера-клиги юзасидан Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва инсонпарвар позициясини кўришимиз мумкин.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳам-корлик ШХТ тузилгандан бош-лаб, асосий йўналишлардан бири бўлган. Давлат раҳбари бу борадаги ҳамжихатлиқни чуқур-лаштириш зарурлигига эътибор қаратди. Хусусан, ШХТ Минтақа-вий аксилтерор тузилмаси ба-засида Хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича универсал марказ таш-кил этилиши оқланилди.

Ушбу ислохот билан амалда-ги тузилма фаолият доираси кен-гаймоқда. У терроризм, сепара-тизм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва кибертахдидлар-га қарши курашишда аъзо дав-латларнинг тегишли органлар ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча ваколатларга эга бўлмоқда.

Ядро хавфсизлиги йўлида кўп томонлама шериклиқни мус-тақамлаш бўйича ШХТ деклара-циясини қабул қилиш, унинг тинч-лик йўлидаги атомни ривож-лантириш ва фавқулодда ҳолат-ларга жавоб қайтаришининг мус-тақам асосига айланиш, БМТ ша-фелигидаги тарқатмаслик глобал режимида муносиб ҳисса қўши-шга оид тақлиф билдирилди.

Шунингдек, хавфсизлик соҳа-сида Ички ишлар ва жамоат

хавфсизлиги вазирлари кенгаши ишини қайта тиклаш, Жиноятчи-ликка қарши курашишда ҳамкор-лик тўғрисидаги битимни қайта кўриб чиқиш, Гиёҳвандликка қара-м бўлиб қолишга қарши ку-рашишнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар илгари сурилди. Келгуси йили Тош-кентда биринчи “Хавфсизлик масалалари бўйича ШХТ плюс мулоқоти”ни ўтказиш ташаббуси таъкидланди.

Ушбу йўналиш доирасида Ўзбекистон ҳар доим халқаро майдонда кўтарадиган масалага, яъни Афғонистон масаласига алоҳида эътибор қаратди ва унинг иқтисодиётини қайта тик-лаш, у билан минтақавий коопе-рацияни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ШХТдаги шерик-ларимизга мурожаат бўлди.

Саммитда Ўзбекистон хавф-сизлик масаласида ҳам инсти-туционал, ҳам прагматик ёнда-шувини кўрсатди ва бу борада хавфсизликнинг бўлиномаслиги тамойилига асосланган коллек-тив саяё-ҳаракатларнинг янги босқичини илгари сурди, десак, тўғри бўлади.

«Яшил» трансформация, иқтисодий ўсиш ва барқарорлик қафолати

ШХТ Ўзбекистон учун савдо-иқтисодий ва транспорт-логис-тика соҳасидаги ҳамкорлигини учун стратегик аҳамият касб эта-ди. Президентимиз мақоласида-ги “бизнинг ташкилот фаолияти-даги иштирокимиз — тасодифий танлов эмас, бу — стратегик жи-ҳатдан пухта ўйланган, мамла-катимизнинг хавфсизлигини, иқтисодий ўсиши ва барқарор тараққиётини таъминлайдиган қарордир” деган сўзларида чу-қур маъно муҳассам этилган.

Дарҳақиқат, ҳар бир кўп то-монлама ёки икки томонлама уч-рашувларда давлат раҳбари тар-тиб-таомилларни соддалашти-риш, транспорт-логистика тизи-мининг ўзаро боғлиқлигини мустақамлаш масаласига ало-ҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бу гаги саммитда ҳам Президентимиз томонидан ШХТ макониди Савдони соддалашти-риш тартиб-таомиллари тўғриси-даги битимни имзолаш, Страте-гияк материаллар бўйича ШХТ минтақавий маркази, мамлакат-ларимизда мувофиқлаштирилган сиёсат олиб бориш ва “яшил” энергетикани жадал ривож-лантириш учун ШХТ Энергетика консорциуми, стартап ва инно-вацион лойиҳаларни қўллаб-қув-ватлаш ҳамда илгари суриш учун Венчур компаниялари ва жам-ғармалари тармоғи, бизнес бўйи-ча мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби қатор янги кўп томонлама платформаларни қўллаб-қувват-лаш воситаларини ташкил этиш бўйича ШХТ минтақасида иқти-содий ҳамкорликка туртки бера-диган, ушбу соҳада ўзаро таж-риба алмашишга имкон ярата-диган тақлифлар билдирилди.

“ШХТ Инвест” инвестиция фо-румини ҳар йили ўтказиш, бу би-лан минтақа тадбиркорлари, ишлаб чиқарувчиларини бир-би-рига янада яқинлаштиришга қаратилган ноёб платформани тузиш бўйича амалий ташаббус илгари сурилди.

Транспорт-логистика соҳаси-да минтақанинг транспорт-тран-зит салоҳиятини тўлиқ ишга со-лиш, уни глобал йўлақлар билан ишончли боғлашни таъминлай-диган самарали транспорт йўна-лишларини яратишга устувор аҳамият берилди.

Шу ўринда қуриляётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон те-мир йўли лойиҳаси доирасида-ги йўналишни Трансафғон йўла-ги билан боғлашни, умуман, Марказий Осиё орқали Форс кўрфази ва Ҳинд океани порт-ларига чиқадиغان жанубий йўналишдаги йўлақларни ри-вожлантириш ШХТ макониди ягона транспорт тармоғини



шакллантириш имконини бери-ши алоҳида таъкидланди.

Ушбу тармоқни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш катта имкони-яларни очиб бериши таъкидлан-ди. Бу борада тегишли кўп то-монлама концепцияни ишлаб чи-қиш тақлиф этилиб, ушбу ҳуж-жатда янги мулътимодал тармоқ-лар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлақлар яратиш каби масалалар белгиланиши тақлиф этилди.

Марказий Осиё минтақаси-нинг логистика харажатлари маҳ-сулотлар умумий нарҳида 60 фо-изгача етмоқда. Бу рақам жаҳон-даги ўртача кўрсаткичлардан бир неча баробар юқорилиги сақла-ниб қолмоқда. Шу сабабли сам-митда транспорт-логистика ма-саласига алоҳида эътибор бери-лиши Ўзбекистон ва умуман, ШХТ минтақасидаги денгизга чи-қиш имконияти бўлмаган давлат-лар, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари учун стратегик аҳамият касб этади.

Президентимиз томонидан билдирилган тақлифлар ораси-да “яшил” трансформация соҳа-сидаги ҳамкорлиқни кенгайти-риш, иқлим ўзгаришига мос-лашиш, ҳавога зарarli газлар-ни чиқаришни камайтириш, эко-логик хавф-хатарларни башорат қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари бўйича минтақавий платформани ишга тушириш ма-салалари ҳам ўрин эгаллади.

Ушбу гоя билан ҳамоҳанг ра-вишда янги гояларни генерация қилиш, илғор ташаббусларни ишлаб чиқиш ва технологиялар трансфери учун ШХТ инно-вацион-технологик ҳаблир тармо-ғини яратиш тақлифи илгари сурилди. Албатта, ушбу тақлиф Хитой, Ҳиндистон каби ахборот технологиялари соҳасида дунё-да пешқадамлик қилаётган, ра-қамлаштириш иқтисодий ўсиш-нинг истиқболли драйверига айланган ШХТ мамлакатлари-нинг улкан илмий-техник сало-ҳиятидан ўзаро манфаатли тарзда фойдаланишни назарда тутмоқда.

Шунингдек, маданий-гумани-тар соҳада халқ ижодиёти халқ-аро фестивалларини ўтказиш, “ШХТ университети” шериклик тармоғининг онлайн кампусини яратиш, “Сайёхлик йўлғи” ва ШХТ тиббиёт туризми альянси-ни ишга тушириш каби Ўзбекис-тон тақлифлари ШХТ доирасида гуманитар алмашувларни ривож-лантириш ва халқаримизни яна-да яқинлаштиришга кучли турт-ки беришига хизмат қилади.

Умуман олганда, Президенти-миз Шавкат Мирзиёев томони-дан билдирилган тақлифлар Ўзбекистон бугун нафақат мин-тақавий, балки глобал кун тар-тибини шакллантиришда фаол иштирокчи эканини яна бир бор яққол кўрсатди.

Икки томонлама алоқаларнинг муҳим босқичи

Таъкидлаш кераки, Ўзбекис-тон билан Хитой ўртасидаги ало-қалар аввал мисли қурилмаган барча шароитларда стратегик шериклик даражасига кўтарил-ган. Буни қуйидаги рақамлар кўрсатиб турибди. Хусусан,

2017 йилдан бўён мамлакатла-римиз орасидаги товар айирбош-лаш уч қарра ўсиб, 2024 йилда 14 млрд. доллардан ошди. Яқин йилларда ушбу кўрсаткични 20 млрд.га етказиш вазифаси қўйилган. Охириги йилларда мам-лакатимизга 24,6 млрд. доллар-дан зиёддир. Яқинда бўлиб ўтган иккинчи ҳудудлар форуми доирасида қиймати 10 млрд. долларни ташкил этувчи 800 та лойиҳага эришилди.

Ўзбекистон Хитой ташкилот-лари билан турли соҳаларда му-ҳим лойиҳаларни амалга ошир-моқда. “Яшил” энергетика ва энергия самарадорлигини оши-риш, жамоат транспортини мо-дернизация қилиш ва рақам-лаштириш, пуллик автомобиль йўлларини барпо этиш, муҳим минералларни чуқур қайта иш-лаш, шунингдек, кимё, сув ва қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва ша-ҳарсозлик соҳаларида истиқбол-ли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Хитой етакчиси билан бўлиб ўтган музокаралар натижасида қатор ҳужжатлар имзоланди. Шулар жумласидан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва “Бир ма-кон, бир йўл” ташаббусини ўзаро боғлаш бўйича ҳамкорлик дас-тури, мувофиқлиқни баҳолаш со-ҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида, Хитойга қовун ва бодом экспорт қилишда фитосанитария талаб-лари тўғрисида ва бошқа кели-шувларни келтириш мумкин.

Келишувлар орасида инно-вацион лойиҳаларини илгари суриш ва мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон — Хитой сунъий ин-теллектни ривожлантириш мар-казини ташкил этиш, Хитой ти-лини ўрганишни кенгайтириш ва ўзбекистондаги ёшларни ўқитиш учун квоталарни қўпайтириш, Конфуций институтлари фаоли-яти равнақи масалалари қўллаб-қувватланди.

Мамлакатимиз ҳудудларида энергетика, машинасозлик, сунъий интеллект, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон — Хитой “Лу Бань ус-тахоналари”га асос солиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиз етакчисининг ташири давомида Хитой Давлат кенгаши Бош вазир Ли Цян би-лан бўлиб ўтган учрашувни чоғи-да Ўзбекистонда стандартларни уйғунлаштириш ва маҳсулотлар-ни Хитой талаблари асосида сертификациялаш учун қўшма Квант метрология маркази ва Минтақавий саноат стандарт-лаштириш марказини очиш тақ-лиф этилди. Ушбу тақлиф ўзаро тартиб-таомилларни содда-лаштиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилади.

Томонлар авиақатновлар со-нини янада қўпайтириш ва сайё-ҳлар алмашинувини фаол-лаштириш муҳимлигини ҳам қайд этилди. Шу ўринда, ташири давомида Пекин шаҳрида Ўзе-бекистон туризм офиси очилгани-ни таъкидлаш зарур. Ушбу офис Ўзбекистон ва Хитой ўртасида-ги сайёхлик алоқаларини мус-тақамлаш ва Хитойдаги йирик туристик компанияларнинг Ўзбекистон бозорига киришида, 2030 йилга бориб Хитойдан мамлакатга ташири буюрувчи сайёхлар сонини 3 млн. нафар-га етказиш бўйича вазифага эришишда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур ташири давомида қабул қилинган Тяньзинь дек-ларацияси, ШХТни 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегия-си ва бошқа яқиний ҳужжатлар кўп қиррали ва икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтиришда му-ҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Улўбек ШЕРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Мажлисда ижтимоий ҳимоя ва ёрдам механизмларининг натижадорлиги, тиббий хизматлар ва таълим сифати, тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши масалаларига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2025 йил 29 августдаги “Таъаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва уни амалга ошириш механизми муҳокама қилинди.

Айтилганидек, мазкур ҳужжатга кўра, келгуси йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар йили “Таъаббусли бюджет” жараёнлари доирасида тегишли сайлов округларида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан иккита лойиҳани (ҳар мавсумда биттадан) сайловчиларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, “Очиқ бюджет” ахборот порталида танлаш имкониятига эга бўлади.

Депутатлар томонидан танланган лойиҳалар “Очиқ бюджет” ахборот порталида автоматик равишда ғолиб, деб топилади ва улар республика бюджетидан молиялаштирилади.

Йиғилишда депутатлар жорий этилаётган янги амалиёт сайловчилар ва депутатлар ўртасида амалий мулоқотнинг янада натижалли бўлишига хизмат қилишини таъкидлашди.

Яқунда кун тартибидagi масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағларининг соҳаларга йўналтирилиши, иқтисодий ўсиш жа-

раёнларида уларнинг роли ҳамда ажратилган маблағлар самарадорлигига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун ажратилган маблағлар атмосфера ҳавоси муҳофазаси, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза этиш, Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган экологик тадбирлар, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатлар, ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлашга ҳамда бошқа тадбирларга сарфланган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 71,9, Бухоро вилоятида 22,3, Навоий вилоятида 16 минг ва Хоразм вилоятида 15 минг, жами 125 минг гектар майдонда “Яшил қопламалар” барпо қилинган.

Мунозаралар давомидa фракция аъзолари партия дастурий мақсад ва вазифалари, электротат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Оролбўйи ҳудудида амалга оширилаётган экологик тадбирларга алоҳида аҳамият қаратди.

Хусусан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазаси, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги харажатлар, ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлашга қаратилган ишлар молиялаштирилишини жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Таъаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида

ҲАР БИР ЙЎНАЛИШ МУҲИМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Депутатлар Давлат бюджетининг аввал кўмиталар, сиёсий партиялар фракциялари томонидан, сўнгра Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиш механизмнинг жорий этилиши Давлат бюджетни даромадлари мақсадли, самарали сарфланишига хизмат қилишини қайд этдилар.

Кўмиталар ўз йўналишлари бўйича бюджет ижросини назорат қилса, фракциялар ўз электротатлари нуктаи назаридан масалага ёндашиши натижасида Давлат бюджетининг ҳар бир йўналиши эътибордан четда қолмаслиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда тақдим этилган ҳисобот тахлилий-танқидий руҳда кўриб чиқилди. Кўмита йўналишидан келиб чиқиб, депу-

татлар Давлат бюджетни параметрларида давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари, шунингдек, гендер масалалари бўйича харажатлар ва уларнинг ўтган 6 ойдаги ижросига алоҳида эътибор қаратди.

Депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бирга, Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағларидан мақсадли фойдаланиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганини қайд этиб, кейинги чоракда Давлат бюджетни маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан қатор таклифлар берди.

ШАХМАТ ТОЖИ УЧУН САМАРҚАНДДА КУРАШ БОШЛАНДИ

Юртимизда Халқаро шахмат федерацияси, Спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу турнирнинг умумий мукофот жамғармаси 855 минг АҚШ доллари ни ташкил қилади. Шунингдек, мусобақа орқали дунё рейтингининг “ТОП — 100”талигига кирган кучли шахматчилар орасидан тўрт нафар шахматчи — 2 нафар эркак ва 2 нафар аёл жаҳон шахмат тожи учун “Талабгорлар турнири”га саралаб олинади.

Мамлакатимизда шахматни ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида қатор лойиҳа ҳамда дастурлар амалга оширилмоқда, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев. — Сўнгги йилларда республикаимизнинг турли ҳудудларида кўплаб замонавий шахмат клублари ташкил этилди, ёшлар ўртасида мунтазам нуфузли чемпионатлар ўтказилмоқда. Пировардида ёшларимиз халқаро мусобақалар, жаҳон чемпионати ва кубогига бахсларида ғолиб ҳамда совриндорларга айланишаётир.



Мазкур турнир ҳам нафақат жаҳон даражасидаги шахматчиларни саралаш, балки келгуси йил юртимиз, айнан Самарқандда ўтказиладиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси олдидан тайёргарлик жараёнининг муҳим босқичи ўлароқ аҳамиятлидир.

3 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида турнирнинг очилиш маросими ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Адиз Бобоев, Халқаро шахмат федерацияси президенти Аркадий Дворкович сўзга чиқиб, ушбу шахмат байрами билан ҳаммани кутлади ва мусобақа иштирокчиларига омад тилади. Шундан сўнг қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Кеча эса беллашувларга старт берилди.

Мусобақада мазкур турнирнинг биринчи рақамли иштирокчиси Рамешбабу Прагнанандха, амалдаги жаҳон чемпиони Доммаражу Гукеш, яқинда Хиндистонда ўтказилган нуфузли турнирда ғолибликка эришган германиялик Винсент Каймер ҳамда Алириза Фирӯза, Аниш Гири, Видит Сантош Гужрати, Нодирбек Абдусатторов, Левон Аронян каби ўнлаб жаҳон рейтингда юқори натижалар қайд этаётган шахматчилар ғолибликка асосий даъвогар сифатида баҳс олиб бормоқда.

Қайд этиш жоизки, беллашувнинг эркаклар гуруҳида Нодирбек Абдусатторов, Жаҳоҳир Синдоров, Нодирбек Ёкубобоев, Шамсиддин Воҳидов, Муҳиддин Мадамонов,



Жаҳонгир Воҳидов, Муҳаммадзоҳид Суяров, Ортик Нигматов, Абдумалик Абдусалимов, аёллар гуруҳида эса Гулруҳбегим Тоҳиржоновна, Афрӯза Ҳамдамова, Умида Омонова, Гулдона Каримова ва Мадинабону Халилова юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

— Жаҳон шахмат юлдузларини тарихий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳримизда кўрганимдан хурсандман, — дейди Афрӯза Ҳамдамова. — Одатда, мен ёшлар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда қатнашман, бу гал эса катталар ўртасидаги мазкур турнирда омадимини синая кўрмоқчиман. Мусобақада жаҳон рейтингдаги шахматчилар билан 11 раунд муносиб кураш олиб бориб, яхши натижалар кўрсатаман, деган умидман.

Ишонимизки, ушбу мусобақа нафақат шахмат ихлосмандлари учун йирик воқеа, балки Ўзбекистоннинг халқаро спорт майдонидаги нуфузли янада ошишига хизмат қилади.

Мусобақа 15 сентябрь куни якунланади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитасининг йиғилишида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Кўмита аъзолари ҳисобот даврида ижтимоий харажатлар учун Давлат бюджетидан, айниқса, таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига ажратилган маблағларнинг қай даражада мақсадли йўналтирилгани масаласига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, харажатларнинг 70 фоизи умумий таълимга, 18 фоизи мактабгача таълимга ва 12 фоизи кадрлар тайёрлашга йўналтирилган.

Кадрлар тайёрлаш йўналишига 5,0 трлн. сўм ёки таълим соҳаси харажатларининг 11,8 фоизи жалб этилган. Ушбу соҳанинг яна бир қисми бўлган олий таълим муассасаларини сақлаш харажатлари учун ҳисобот даврида 2,8 трлн. сўм ёки ўтган йилнинг мос давридагига нисба-

тан 20 фоиз кўп харажатлар амалга оширилган.

Йиғилишда маданият, санъат ва спорт соҳаларини молиялаштириш, кутубхоналарни сақлашга йўналтирилган маблағлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада амалга оширилган ишлар аниқ рақам ва кўрсаткичлар асосида баён қилинди.

Муҳокама давомидa ҳар йилги Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш, бунда мақсадли индикаторлар ижросига қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш ва уни мунтазам амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

«ЎЗБЕККЎМИР»: МАҲСУЛОТ ЕТАРЛИ, СИФАТИ КАФОЛАТЛИ

Давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 20 декабрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида миллий иқтисодийёт соҳасида рақамли трансформацияни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда эскирган усуллардан воз кечиш ва замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш вазифалари белгилаб берилган эди. Шу боис жамиятимизда ҳам “Myscoal.uz” платформаси жорий этилди.

Ислоҳот мевалари

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, 2024 йилда республикаимиз бўйича 9 мингдан зиёд маҳаллалардаги 1,4 миллиондан ортиқ хонадонлардан онлайн аризалар қабул қилинди ва жами 760 минг тонна кўмир истеъмолчиларга етказиб берилди.

Очиги, илгари бундай имкониятнинг ўзи йўқ эди. Қайси идораю қайси маҳаллага қанча кўмир етказилди, қайси кам таъминланган оиланинг кўмир олишга имкони йўқ, қайси ҳудуддаги оилаларда маҳсулот етишмаяпти, буни узлуксиз назорат қилиб бўлмасди. Эндиликда рақамлаштириш — янги платформа асосида ишлаш барча жараёнини худди қафдагидек кўриб туриш имконини бермоқда. Ҳукуматимиз томонидан жамиятимиз зиммасига юклатилган вазифаларни сўзсиз бажариш, камчиликка йўл қўймаслик чораларини кўряпмиз.

Бугунги кунда “Myscoal.uz” платформасига интеграция қилинган тизимлар орқали кондан кўмир қазиб олиш, темир йўл орқали ташвиш ва омондорларга етказиб бериш жараёнини тўлиқ видеокузатувга олганмиз.

GPS-трекинг, электрон тарозилар ва автоматлаштирилган ҳисобот тизимлари жорий қилиниб, инсон аралашуви кескин камайтилди. Айни чоғда “Ангрен” ва “Шарғун” конларида қазиб жараёнлари онлайн тарзда кузатиб борилаётган бўлибди.

Жорий йилда амалдаги платформа орқали аҳолига 1,4 миллион тонна, бюджет ташкилотларига 414,6 минг тонна, давлат-хусусий шериклик асосидаги

муассасаларга эса 245,6 минг тонна кўмир етказиб бериш 90 та ҳудудий омондор ва 15 та мавсумий шохбoча орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда захирода 100 минг тоннадан зиёд маҳсулотлар бор. Бир тонна кўмир нархи эса аҳоли учун 309 минг 800 сўм, бюджет ташкилотлари учун 431 минг 400 сўм қилиб белгиланган. Аҳоли учун ажратилган кўмир ҳажми ўтган йилдагидан қарийб икки қарра кўп. Демак, кўмир кам, етмаяпти, деган баҳоналарга асло ўрин йўқ. Маҳсулот сифати ҳам юқори. Буни интернет орқали платформамизга кириб кузатсангиз ҳам бўлади. Шунингдек, жамиятимиз қошида аҳоли ва ташкилотлардан келиб тушаётган музрожаатларга ўз вақтида жавоб бериш мақсадида 5 нафар ҳодимдан иборат Call-марказ ишлаб турибди. Телеграм орқали ташкил қилинган гуруҳларда эса мавжуд муаммолар тезкорлик билан ҳал этилмоқда.

Галдаги вазифа барча ҳудудий омондорларни рақамли ягона электрон манзилга улаш, электрон тўлов кўламини кенгайтириш, аҳоли ўртасида рақамли хизматлардан фойдаланиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, халқаро тажрибалар асосида назорат ва ҳисоботнинг замонавий моделларини жорий этишдан иборатдир. Шу тариқа келгусида “Ўзбеккўмир”нинг нафақат ишлаб чиқариш, балки рақамли хизмат кўрсатишдаги салоҳияти ҳам янада ошади.

Шамил НИГМАТУЛЛИН,
«Ўзбеккўмир» АЖ
Ахборот технологиялари
хизмати раҳбари.

ШАФФОФЛИК ВА РАҚАМЛАШТИРИШ

кадастр хизматлари кўрсатиш сифатини оширмоқда

“Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларга қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонунга кўра Давлат кадастрлари палатаси томонидан “Кўчмас мулкларни хатлов йўли билан техник инвентаризациядан ўтказиш ва электрон йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида” услубий қўлланма тайёрланди. Мазкур ҳужжат билан палатанинг электрон манзилида танишиш, мабодо саволлар туғилса, уларга кадастр идорасига бориб ўтирмасдан, яна интернет орқали керакли жавобларни олиш мумкин. Бу ўнғайлик Давлат кадастрлари палатаси иш самарадорлигини ошириш, соҳада шаффофлиқни тўлиқ тасмиллаш, мутахассисларнинг тез ва аниқ ишлашига шароит туғдирмоқда.

Қонун ва ижро

оъекти ҳисобга олинди ва уларнинг сони бугунги кунда жами 8 548 300 тани ташкил этмоқда.

— Аҳолидан тушаётган ҳар бир музрожаат, у хоҳ ёзма, хоҳ ижтимоий тармок орқали юборилган бўлсин, ўз вақтида кўрилиб, эгасига тегишли жавоблар берилмоқда. Тушунмовчилик ва коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик учун жойларда халқ билан бевосита мулоқотлар, маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилмоқда. Шу йилнинг ўзида тизимда аҳоли билан 167 маротаба сайёр қабул ўтказилди ва шу жараёнда ўн минглаб саволларга тушунтиришлар берилди, аксарият муаммолар ўша жой-жойда ҳал қилинди, — дея сўзини давом эттиради Нозимжон Иномов. — Рақамларга назар ташласак, айни чоғда яқка тартибдаги тураржойлар 6 305 700 тани, нотураржойлар 738 500 тани ва кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 1 632 800 тани ташкил қилмоқда. Бу рақам ҳар куни, ҳар соат ортиб борапти. Чунки республикаимиз бўйича хатлов ишларига

4 ярим мингдан ортиқ мутахассисларимиз жалб этилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан шу йилнинг 1 август ҳолатига кўра, республикаимиз бўйича жами 534 956 та турли объект хатловдан ўтказилди ва уларнинг 364 130 таси “Uzkart” дастурига киритилди. Шунингдек, жами 211 548 та объект ҳужжатлари “EtiGo” автоматлаштирилган тизимда ўз аксини топди. Тез орада муҳокамада турган 167 052 та объект бўйича ҳам тегишли хулосалар чиқарилади.

Афсуски, иш жараёнида аҳолининг тушунмовчилиги оқибатида айрим муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Баъзи кишилар гўё ҳовли-жойи кадастр идораси мутахассислари томонидан кўздан кечирилса, ҳақиқий ҳолат расмийлаштирилса, мол-мулк ва ер солиғи кескин ошиб кетади, деган хавотирга бормоқда. Шу боис кадастр ходимларини уй-жойига киритмаслик ё ўша маҳал уйда бўлмасликка интилиш ҳолатлари учраб турибди. Ваҳоланки, уй-жойларга бўлган ҳуқуқни ўз вақтида

расмийлаштириш, бу ҳақдаги маълумотларни кадастр идоралари расмий электрон манзилида акс эттириш нафақат давлатга, балки мулк эгасининг ўзига ҳам бир қатор қулайликлар туғдиради. Уй-жойининг сотишининг, кредит олиш учун шу мулкни гаров сифатида тақдим этишининг, қариндош-уруғларни шу жойга ҳисобга қўйишининг учун ҳам кадастр хужжати керак. Бу борада аниқликка эришмоқ келгусида сиз учун беқиёс имкониятлар эшигини очади.

Қонун талабига кўра, республикаимиз бўйича йил якунига қадар 3 878 та маҳаллада хатлов ишлари ўтказилиши режалаштирилган ва бугунгача 1 766 та маҳаллада бу ишлар нихоясига етказилди.

Давлат кадастрлари палатаси томонидан бугунги кунда аҳолига 17 турдаги хизматлар кўрсатилаётган ва тизимнинг тўлиқ рақамлаштирилиши эса хизмат кўрсатиш сифатини янги поғонага олиб чиқди. Илгари одамлар арзиманган хужжати ё ўз ҳовлисида амалга оширилган янги қурилишни деб

кадастр идорасига зир-зир қатнашига тўғри келарди. Баъзан унинг ёнида кадастрдаги муаммонини тезда битириб бераман, деган шоввозлар ҳам пайдо бўлиб қоларди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли бошқа тармоқлар қатори кадастр хизматида ҳам иш юритиш буткул ўзгарди.

Ҳар бир янгилик, ҳужжатларнинг электрон нусхалари компьютерлар миасидан жой олмақда. Энг муҳими, жамиятни издан чиқарадиган, одамларнинг ҳақли эътирозига сабабчи бўладиган коррупцион ҳолатлар буткул барҳам топмоқда. Давлат кадастрлари палатасидан олинган маълумотларга қараганда, биргина кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш учун 1 119 500 та музрожаат тушгани, уларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилгани, қолгани эса мутахассислар томонидан ўрганилаётгани бунинг яққол далилидир.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Хориждаги мактабдан ўқувчиларни юргимиздаги умумтаълим мактабларига кўчириш бўйича давлат хизмати ишга туширилди.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Қорақалпоғистон Республикаси: ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Кейинги йиллардаги ислохотларга назар солар эканмиз, фақат ўзгаришларни эмас, балки янгиланишни, тараққиётни, ҳаётга бўлган ёндашувдаги туб бурилишни кўрамиз. Шундай ислохотлар бўлдики, улар фақат тизимни эмас, тафаккурни ҳам ўзгартирди. Сўзимизга мамлакатимизнинг барча ҳудуди қатори Қорақалпоғистон Республикаси тимсолида истаганча мисоллар топиш мумкин. Бу ўлкадаги улкан ўзгаришлар, эврилишлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбига ғурур-ифтихор бағишламоқда. Президентимизнинг Қорақалпоғистонга доимий эътибори, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қаратилган аниқ мақсадди дастурлар халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг “Биз учун Қорақалпоғистон ютуғи — бутун Ўзбекистон ютуғи, Қорақалпоғистон ташвиши — бутун Ўзбекистон ташвиши”, деган гаплари ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. 2016 йилда Президентимизнинг “Маданиятни Мўйноқдан бошлаймиз” деган қақирғи ҳозир амалда намоён бўлиб турибди. Мўйноқ тубдан янгидан қурилди. Нукус — Мўйноқ авиа-қатновни йўлга қўйилди. Оролнинг қуриган майдонида 2 млн. гектардан зиёд яшил макон барпо қилинди. Янгидан Тахиятош ва Бўзатов туманлари ташкил этилди. Президентимизнинг махсус Фармон ва қарорлари билан ҳар бир туманда маҳаллалар инфраструктурасини ривожлантириш дастурлари тасдиқланди.

Қорақалпоғистон “яшил” энергетика, аграр соҳада ишлаб чиқариш ва туризм марказига айланади. 10 ГВтдан ортиқ “яшил” энергия манбаини яратиш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда — бу минтақани мамлакат ичидagi энергия экспортчиси-га айлантиради ва электр нарҳини пайсга тўлати. Қўнғирот туманида саноат корхоналари учун солиқ ва энергетика имтиёзлари билан “Яшил кластер зонаси” ташкил этиш кўзда тутилган. У ерда қўвватларнинг 90 фоизи қайта тикланадиган манбалардан олинади.

Қишлоқ ҳўжалиги қайта ишлаш ва чорвачиликка йўналтирилади. Ўн йил ичида гўшт ва сут ишлаб чиқариш 3 баробар ошиши кутилмоқда. Қўнжўт ва мош каби янги экинлар етиштириш-ни кенгайтириш экспортни кўпайтириб, Туркия ва Саудия Арабистони бозор-ларига чиқишга ёрдам беради.

Туризм соҳасида халқаро опера-торлар билан келишувлар имзолан-ган. Кейинги йиллар Қорақалпоғис-тон учун баракали келди, дейиш мум-кин. Янги саноат корхоналари, туризм масканлари, энергетика қўвватлари, IT-парк ишга туширилди. Қорақалпо-ғистонни Хоразм билан боғлайдиган 423 метрли янги автомобиль ва те-мир йўл кўприги очилди. Бу орқали юк ва йўловчи ташиш масофаси 180 километрга қисқарди. 323 млн. доллар ҳисобига янгидан қурилган Қўнғирот — Бейнов автомобиль йўли-нинг 240 километр қисми фойдала-нишга топширилди. Шунинг ўзи тран-зит ва бошқа хизматлар ҳажми йи-

лига 200 млн. долларга ошишига за-мин яратади. 196 километрлик Мис-кин — Нукус темир йўлини электр-лаштириш ишлари ҳам юқори суръ-атларда олиб борилмоқда. Ҳудудда саноат, тадбиркорлик ва инфраструктура соҳаларида 50 дан ортиқ имтиёз ва енгилликлар берил-ган. Хусусан, инвестиция лойиҳа-лари учун тўғридан-тўғри ер ажратиш ҳуқуқи фақат Қорақалпоғистонда жо-рий қилинган. Хорижий инвесторлар ва мутахассислар ҳам Қорақалпоғис-тонда даромад топиш учун катта им-кониятлар пайдо бўлганини айтаяпти. Масалан, мавжуд иқтисодий салоҳи-ят комплекс таҳлил қилиниб, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва хизматлар соҳа-сида 2,5 млрд. долларлик имконият-лар аниқланган. Мўйноқнинг ўзида камиди 1 млрд. долларлик туризм лойиҳалари учун салоҳият бор. Яхлит мажмуаларни ишга тушириб, 1 млн. сайёҳга хизмат кўрсатиш ва 5 минг аҳолини даромадли қилиш мумкин. Нукус шаҳрида амалга оширилган ободонлаштириш ишларидан халқ-нинг розилиги уларнинг юзларида акс этиб турибди.

Мўйноққа қайта ҳаёт бағишлади
Афсуслар бўлсинки, Орол денги-зининг қуриши бизга жуда қимматга тушди ва ҳамон бунинг ортидан ке-лаётган азиятлар давом этяпти. Ва-ҳоланки, яшаётган маҳалламиз ёки



қишлоғимиздаги кичкинагина ариқдан сув оқмай қолса, қанчалар ташвишга тушамиз. Бу ариқ ўрнида денгиз бўлса-чи, ташвишимиз минг чандон ошади. Уни асраб қолишдаги чора-сизлиқ эса ундан ҳам ёмон. Сув — бизнинг ҳаёт-мамотиимиз. Бугунимиз, эртаимиз мана шу обиҳаётга, сувга

боғлиқ. Давлатимиз раҳбари халқнинг айна масаладаги дардини ҳис қила билди, фожа кўламини қамайтириш-га бел боғлади. Айниқса, Қорақалпо-ғистоннинг энг оғир нуқтаси — Мўйноққа қайта ҳаёт бағишлади. Мўйноқлик кўпни кўрган отахонлар-нинг айтишларича, ўтган асрнинг 60-йилларида пахтани сўғориш учун Амударёдан мелиоратив каналлар тор-тилиши Орол денгизига қанчалар сал-бий таъсир этган бўлса, Мўйноқ тума-нига ҳам шу қадар зиёну захмат келтирган. Жумладан, Орол денгизи-нинг суви тобора қамайиб, 90-йиллар бошида туман саноатининг юраги бўлмиш балиқ консерва заводи бут-кул ёпилди ва ишсизлик авж олди. Аҳоли уйларини ташлаб, Нукус, Қўнғи-рот ва бошқа шаҳарларга бош олиб кетишга мажбур бўлди. Чанг-туз бўронлари сони ва зарар кўламининг кескин ошиши ортидан кўз, ошқозон-ичак, тери касалликлари кўпайди. Ер ости сувларининг сатҳи сезиларли па-сайиб, ҳудуднинг чўлланиш жараёни тезлашди. Улкан бандаргоҳ катта-ки-чик кемалар қабристонига айланди...

Шукри, бугун Ўртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг куюнчақлиги, фидойилиги, ғамхўрлиги ва сазй-ҳара-катлари билан Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ва-зират қайта изга тушмоқда. Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш, янада аниқ

айтсак, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик-ни ҳимоя қилиш, оила ва маҳалла институтларига эътибор, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини ошириш сингари долзарб масалалар ечимига улкан эътибор

қаратилмоқда. Мўйноқ шахрини мут-лақо янгидан тиклаш, саноат корхо-налари, кўп қаватли уйлар, замона-вий хизмат кўрсатиш бинолари, таъ-лим муассасалари барпо этиш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга катта маблағ ва куч йўналтирилди. Айниқса, ҳудудда туризм инфраструк-турасини яратишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

2018 йилнинг декабрь ойларидан бошлаб денгизнинг қуриган ҳудуди-да ўрмон барпо этиш жараёнига ки-ришилди. Мазкур ишга Оролбўйида-ги барча ўрмон ҳўжаликлари, минг-дан зиёд мутахассис ишчилар, тех-никалар жалб қилинди. Шу ернинг ўзида яшаш учун барча шароит яратилди. Ҳақиқатан ҳам, бугун мам-лакатимиз аҳолиси Орол денгизининг қуриган тубида “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорларини яратиш иш-ларига астойдил меҳнат қилмоқда ва бунинг натижалари бугун кўзга кўринмоқда.

2020 йил 12 феврал-да давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ҳузуридаги қўнғирот ва бошқа шаҳарларга бош олиб кетишга мажбур бўлди. Чанг-туз бўронлари сони ва зарар кўламининг кескин ошиши ортидан кўз, ошқозон-ичак, тери касалликлари кўпайди. Ер ости сувларининг сатҳи сезиларли па-сайиб, ҳудуднинг чўлланиш жараёни тезлашди. Улкан бандаргоҳ катта-ки-чик кемалар қабристонига айланди...

Шукри, бугун Ўртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг куюнчақлиги, фидойилиги, ғамхўрлиги ва сазй-ҳара-катлари билан Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий ва-зират қайта изга тушмоқда. Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш, янада аниқ

Қисқача айтганда, ҳозир Мўйноқ-даги ўзгаришлар унга ҳаёт қайтаёт-ганидан дарак бермоқда. Бу жараён-ни биз туман марказида қад кўтар-ган 800 ўринли амфитеатр, Давлат хизматлари маркази, мусика ва санъ-ат мактаби, янги қурилган спорт зали, ёпиқ бассейн, маданият маркази ва стадион ҳамда бошқа масканлар ми-солида кўришимиз мумкин. 2020 йил-да 25 млрд. сўм маблағ эвазига Мўйноқ консерва заводи ҳам қайта тикланиб, бу ерда балиқ маҳсулот-лари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хуллас, яқин пайтларгача ўз холи-га ташлаб қўйилган Қорақалпоғистон

бугун имкониятлар ўлкасига айлан-ди. Биргина Мўйноқ туманини ком-плекс ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш, мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ, самарали фой-даланиш, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақса-дида амалга оширилаётган манзил-ли чора-тадбирлар ҳудудга янғича су-рат ва сийрат бағишлаганини юксак ифтихор билан эътироф этиш мум-кин.

Тараққиётнинг муҳим устуни

Яна бир муҳим воқелик. Кўп мил-латли жамиятларда миллатлараро то-тувлик, диний бағрикенглик ва ижти-моий барқарорлик — тараққиётнинг энг муҳим устунларидан бири. Шу маънода, Президентимиз Шавкат



Мирзиёев томонидан илгари сурил-ган “Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила” ғояси бугунги кунда нафақат мафқуравий, балки амалий ҳаётий мезон даражасига кўтарилди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ дав-лат университети жамоаси ҳам ушбу эзгу ғояни ўз фаолиятининг асоси сифатида билиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, тинчлик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда уни-верситетимизда ўн бешдан ортиқ миллат ва элат вакиллари таҳсил ол-моқда. Қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ, тожик, татар, корейс ва бошқа мил-лат вакиллари биргаликда илм-фан, таълим, спорт ва маданият соҳала-рида фаолият юритмоқда.

Бугун орқага қараб, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларни кўриб, мамлакатимиз ривожига қандай катта сакраш, улкан ҳаракатлар юз берганини, қандай мардона босқичлар босиб ўтилганини англаймиз. Энди эса олдимизда янги уфқлар, эзгу орзулар, аниқ мақсадлар турибди. Президентимиз бошлаб берган ислохотлар янги Ўзбекистоннинг эртаси маърифатли, кучли, барқарор тараққиётга йўналтирилган бўлишига ишончимиз комил.

Аҳмед РЕЙМОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети ректори, академик, Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқоры Кенгеси депутаты.

Фойдали, аммо эътиборга муҳтож тармоқ

Олимларнинг таҳлилига кўра, куён гўштининг 100 граммда 168 килокалория (ккал) энергия бўлса, бу кўрсаткич мол гўштида 270 — 330 ккал, қўй гўштида 320 килокалорияни ташкил этади. У истеъмол қилинганда, инсон организмга 95 фоиз сингади. Ана шу хусусияти туфайли бу неъмат қадрли, фойдаси бекиёс. Холестерин эса куён гўштининг 100 граммда 25 мг. бўлиб, бу мол ва қўй гўштидагидан қарийб 3-4 баробар кам. Шу сабабли, дунёда бу маҳсулотга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Мутахассис нима дейди?

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжа-лиги ташкилоти (ФАО)нинг маълумоти-га кўра, дунёда куён гўшти истеъмоли йил сайин ўртача 2,8 фоизга кўпайган, айниқ-са, Хитойда. Ўтган йил бу давлат фуқаро-лари 925 минг тонна куён гўштини истеъмол қилишган.

Россия ва Украина куён гўштининг энг йирик ишлаб чиқарувчиларидир. Европа мамлакатлари орасида Испания, Италия, Франция, Польша, Бельгия, Венгрия мам-лакатлари куён гўшти етиштириш ва экс-порт қилиш бўйича Европада етакчи ҳисобланади. Италияда эса куёнчилик са-ноат даражасига кўтарилган ва шу боис юртимиз куёнчилари мана шу давлат му-тахассислари билан яқин ҳамкорликка ки-ришмоқда.

Италиялик мутахассислар кўмагида 2021 йили Қуйи Чирчиқ туманида “Ме-нинг орзум” куёнчилик мажмуасининг фойдаланишга топширилиши эса йи-лига 1000 тоннадан ортиқ куён гўшти ва маҳсулотларини экспорт қилиш имконини яратди. Мазкур мажмуа Европа стандартларига жавоб бера-диган дунёдаги энг йирик куёнчилик кластеридир. Бу ерда йилига 2000 тонна куён гўшти етиштириш им-кони мавжуд.

Корхона махсус озука заводига эга. У бир сменада турли ёшдаги куёнлар ва уларнинг физиологик ҳолатига мос бўлган 70 тоннагача махсус омихта ем ишлаб чи-қара олади. Шунингдек, мажмуада куён-ларни ушлаш, боқиш, озуқа тарқатиш, чи-қиндини йиғиб кетиш жараёнлари тўлиқ механизациялаштирилган ва рақамлашти-

рилган. Барча цехлар ҳолати онлайн ку-затиб борилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур мажмуада италиялик мутахассислар наслчилик китоблари ва ҳисоботларини юритиш, наслчилик материалларининг сифа-ти ва қўёнлар саломатлигини назорат қилиш, маҳаллий мутахассислар малака-

“Италиялик мутахассислар кўмагида 2021 йили Қуйи Чирчиқ туманида “Менинг орзум” куёнчилик мажмуасининг фойдаланишга топширилиши эса йилига 1000 тоннадан ортиқ куён гўшти ва маҳсулотларини экспорт қилиш имконини яратди. Мазкур мажмуа Европа стандартларига жавоб берадиган дунёдаги энг йирик куёнчилик кластеридир. Бу ерда йилига 2000 тонна куён гўшти етиштириш имкони мавжуд.”

сини ошириш, Ўзбекистон шароитида ил-мий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ҳамда тажриба алмашиш ишлари олиб боришмоқда.

Корхона ўтган йили 208 тонна куён гўштини Россия ва Беларусга экспорт қилди. Жорий йилдаги кўрсаткичлар, ал-батта, янада салмоқли бўлади. Бугун тар-

моқда бундай ютуқлар қаторида айрим муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Ав-вало, аҳоли ва тадбиркорларнинг куёнчи-лик билан шугулланиш борасидаги таж-риба ва билими етишмайди. Устига-ус-так, куён гўшти республика аҳолисининг истеъмол дастурхонидан муносиб ўрин топмаган. Бу, ўз навбатида, маҳсулотни

сотиш, саноатни ривожлантиришда қийинчиликлар туғдираётгани бор гап. Аҳоли орасида куён гўштининг кексалар ва ҳомилдор аёллар учун фойдали томонла-ри тарғиб этилса, ушбу парҳез гўшдан тур-фа таомлар тайёрлаш йўлга қўйилса, бу муаммолар тезда барҳам топиши аниқ.

Афсуски, бугун мамлакатимизнинг де-



ярли барча ҳудудда куёнларда учрайди-ган касалликларнинг олдини олишга етарлича эътибор берилмаяпти, ихти-сослаштирилган ветеринария клиникала-ри йўқ, малакали мутахассислар етишмай-ди. Бундан ташқари, куёнларни даволаш учун барча турдаги ветеринария препа-ратлари четдан келтирилмоқда. Аслида эса дори-дармонлар куёнчилик учун талаб этиладиган воситаларни ўзимизда ишлаб чиқариш имкони бор. Бу масалада ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, ма-ҳаллийлаштиришни қўллаш, замонавий технологияларга суянаган ҳолда саноатни ташкил этиш керак. Ва бу ҳам соҳа ривож-ига бекиёс туртки бериши муқаррар.

Дилшод ЙЎЛДОШЕВ,
Чорвачилик ва паррандачилик
илмий-тадқиқот институти куёнчилик
селекцияси ва генетика маркази бўлими
мудир, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

Ўзбек ва қирғиз халқларини нафақат кўп асрлик дўстлик, балки оилавий ришталар ҳам боғлаб туради. Айниқса, чегара ҳудудларда юзлаб оилалар бир-бирлари билан жуда яқин, қуданда бўлиб истиқомат қилади.

Икки миллат орасида эса қўшничилик доим улуғланган. “Ховли олма, қўшни ол”, “Қўшнинг тинч, сен тинч”, “Бир қизга етти қўшни ота-она”, “Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтирасан”, “Яхши қўшни қариндошдан афзал” каби кўплаб мақоллар ҳаётий тажрибалардан олинган. Узоқ йиллар шу қўшничилик ришталарига дарз кетган бўлса-да, қудандачилик, аҳиллик узилмади. Чунки марҳаматлиқнинг ярим қариндоши Аравонда, аравонлиқнинг ярим жигари Марҳаматда эди.

Ришталар



ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ДЎСТЛИГИ АБАДИЙДИР

Тасаввур қилинг, Аравонга келин бўлиб тушган қиз билан ота-онанинг ўртаси бор-йўғи 5-6 километр бўлса, она ўз фарзандини қўриб келиш учун айланб-айланиб тегилиши жойлардан рухсатнома олиши керак. Аҳвол шу даражага етдики, зарурат юзасидан чегарадан ўтмоқчи бўлганларга турли сунъий тўсиқлар ўйлаб топилди. Ушдан Андижонга ўтмоқчи бўлган фуқаронинг қўлида яқинларидан биронтасининг вафот этгани ҳақида маълумотномаси бўлса, унга “Дўстлик” постидан ўтишга рухсат бериларди. Агар фуқаро қариндош-уруғ-

ларини кўргани ёки тўю байрамларда қатнашиш учун йўлга отланса, “Маданият” пости орқали ўтарди. Бунинг учун аввал Ушдан Жалолободга бориш, у ердан эса катта-кичик шаҳару қишлоқларни босиб ўтиш керак эди. Яъни қариндошлар бир-бирларини қўриш учун 40 — 50 километр ўрнига 200 километрдан ортқ йўл босишига тўғри келарди.

— Ўша йиллари ниҳоятда қийин бўлган, — дейди Андижон вилояти қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Обиджон Носиров. — Шундай даврлар бўлдики, фарзанд отасининг дафн ма-

росимига, она набирасининг никоҳ тўйига бора олмади. Мухими, тинчлик бўлсин дея, ҳаммасига чидади, кўнди...

Аммо халқларимиз қардошлик ришталарини сақлашга интилиб, умид билан яшади. Зеро, икки халқ эт билан тирноқдир. Уларни чегаралар айирмаса, бошқа ҳеч нарсга айира олмаслигини яхши биларди. Ниҳоят халқларимиз орзу қилган кунлар келди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракати билан Андижон вилоятининг Марҳамат туманини Ўш областининг Аравон райони билан боғловчи “Минг-

тепа” (“Қорабоғиш”) пости очилди. Энди минглаб фуқаролар ота юртига ҳеч қандай ҳадик-хавотирсиз, бемалол келиб-кетмоқда. Уларнинг фуқаролик масалалари ҳам ижобий ҳал этилди.

— Чегаралар очилмасидан аввал Асака туманида яшовчи отам вафот этган эди, — дейди Аравон районида истиқомат қилувчи Юлдузхон Хайдарова. — Дафн маросимига бориш учун салкам бир кун вақт сарфлаганман. Белгиланган муддат оз бўлгани учун маъракасига қололмагандим. Ушанда тақдиримдан нолиган пайтим бўлган. Шукрлар бўлсинки, бугун ҳаммаси ортда қолди. Бу икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни тиклаш, хоҳлаган пайтимизда қариндошларимизни йўқлаш имкони туғилди. Бунинг учун атиги бир соат вақт сарфляймиз, холос.

Эътиборлиси, мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Энди биз бундай имкониятни, дўстлигимиз ва қардошлиқни қадрлашимиз керак. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш, уларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни таъминлаймиз.

Илоҳим, мана шу аҳиллигимизга кўз тегмасин!

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ҚУЁШДАН РАНГ ОЛАЁТГАН ҚУВА АНОРЛАРИ



Қувалик миришкорлар анорни “мевалар қироли” дейишади. Боиси дунёда анорнинг 500 тури бўлса, Қува туманида унинг 250 та нави парваришланмоқда.

Боғбонлар билан суҳбатлашсангиз, анор етиштириш учун ниҳоятда нозик дид, ҳафсала, меҳр кераклигини таъкидлашади. Ер мўл бўлишига қарамай, туманининг ҳамма жойида ҳам анор бирдек яхши ҳосил беравермайди. Анорнинг ўзи суғидиган жойи — ватани бўлади. Анор ёз саратони, қиш қаҳратонидан сақлайдиган иклими мўътадил, ҳаммаша майин шабада эсиб турадиган ерларга экилади.

Омилкорлик

Бугун Қувада ота-боболардан мерос бу каби ҳаётий тажрибалар илм-фан ютуқлари, инновациялар асосида ривожланиб бораётгани эътиборга молик. Айни пайтда туманда 2 850 гектар анорзорлар мавжуд. Етти та маҳалла фуқаролари йиғинидаги 12 мингдан ортқ хонадонлар анорчиликка ихтисослаштирилган — аҳоли томорқасида 1 100 гектар анор боғлари бор.

Анор етиштиришда туманининг Фарғона вилоятидаги улуши қарийб 60 фоизни ташкил этади. Биргина жорий йилда Қувада 37,8 минг тонна анор ҳосили олиш ва унинг 2,7 минг тоннасини экспорт қилиш орқали 3,5 млн. доллар даромад олиш кўзда тутилган.

Олтин кўз она заминга ўз сепини дастурхон қилиб тўшайдиган шу кунларда “Қаюм”, “Туя тиш”, “Қора дон”, “Қизил пўчок”, “Нордон анор” кўзни қувнатидиган даражада қизилликка бурканган. Бу эса жаннатноманд диёримиз мевалари кўзги шудрингда янада шарбатга тўлиб пишишдан далолат.

Мастура Сайфуддинова қирқ беш йилдан буён шу анорзорлар маликаси. Қуванинг қўриб-қақшаб ётган ерларида бепоён анорзорлар барпо этди. Ўз вақтида Шароф Рашидов Қува анор боғларига ташриф буюриб, фарғоналик дилбар қизнинг богдорчиликдаги дастлабки ютуқларини юксак эътироф этганди.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифи давомида бир неча бор ушбу боғларда бўлиб, Қува анорчилигини илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш бўйича қатор ташаббусларини илгари сурди. Шу тарика заволга юз тутаётган анорчилик тармоғига иккинчи ҳаёт бахш этилди.

— Эндиликда шунчаки табиат ҳодисаларига қараб эмас, илм-фан, инновация гоялари асосида деҳқончилик қилишни ўргандик, — дейди “Қува анори” агрофирмаси раҳбари Мастура Сайфуддинова. — Бугунги кунда ўнга яқин ёш олимлар анорчилик соҳасида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Мастура опа келин таллашда ҳам анорчиликни унутмади. Ҳозирда хонадонидagi

келини олима — анорчилик соҳаси бўйича мутахассис.

— Анорнинг турли касалликларга қарши фойдали хусусиятлари кўп. Буни табиийёт ходимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишларимиз исботлайди, — дейди қувалик ёш олим Ҳусниддин Самиев. — Ҳозирда данаксиз, маҳаллий иқлим шароитига мос, экспортбоп анор навларини кўпайтириб, янги анорзорлар барпо этишга кўмаклашяпмиз.

Қувадаги “Насимхон Моҳинур барака” фермер хўжалигидаги 4 гектар анор боғида жорий йилда ёш олимлар кўмағида “Қаюм”, “Озарбайжон ширин”, “Олтиариқ аччик” каби навлардан баракали ҳосил етиштирилди. Фермер хўжалиги раҳбари Акрамжон Сулаймонов 4 тоннадан зиёд маҳсулотларни экспортга чиқаришни мақсад қилган.

Кейинги йилларда Қува тажрибаси бўйича кўплаб вилоятларда замонавий мезонлар асосида анорзорлар барпо этилди. Бу ишларда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан бирга Мастура опа Сайфуддинова ҳам ташаббускор. Анорчилик соҳасида илмий қўлланма сифатида опанинг ҳаммуаллифлигида китоб ҳам нашр этилди. Мақсад — анорчиликни қишлоқ хўжалигининг сердаромад соҳаларидан бирига айлантириш.

Айни пайтда ҳудудда саралаш ва қадоқлаш, қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Айтайлик, “Uz Segan” МЧЖ томонидан умумий қиймати 10,2 млн. доллар бўлган лойиҳа доирасида 600 гектар ерда интенсив боғ ташкил этилди. Йилгига 20 минг тонна маҳсулотни саралаш ва қадоқлаш қуввати ишга туширилди.

Қисқача айтганда, жаҳон бозорида Қува анори брендини янада машҳур қилиш бўйича дадил қадамлар ташланган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭКСПОРТЧИ ОИЛАВИЙ КОРХОНА

Тўрақўрғон туманида фаолият олиб бораётган “Шакар бодом” оилавий корхонасида олхўри, бодом, ўрик, шафтоли ва бошқа данакли мевалар мағзини қайта ишлаш, саралаш ҳамда қадоқлаш йўлга қўйилган. 15 нафар доимий, 35 нафар мавсумий ишчи меҳнат билан банд.

Интилиш

Бу корхонанинг экспортчи субъектлар қаторидан ўрин олганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Шўнга қарамай август ойининг ўзида 310 минг долларлик маҳсулот Европа давлатларига жўнатилади.

— Маҳсулотларимиз фармацевтика ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ноёб хомашё ҳисобланади, шу боис хорижда унга талаб юқори, — дейди оилавий корхона раҳбари Авазхон Аъзамов. — Яқинда келтирган янги дастгоҳлар ўрнатилгандан сўнг қувватлар янада ортди. Бу йил охирига қадар амалга ошириладиган ташқи савдо миқдорини 1 миллион



долларга етказиш имконияти, дегани. Бундан ташқари, “Шакар бодом” да кооперация тузилиб, яқин атрофдаги маҳаллалардан 50 та хонадон аъзолари ишга жалб қилинди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

КИМ ҲАҚ: ҲАЙДОВЧИМИ ЁКИ ЙЎЛОВЧИ?

Бугун юртимизнинг барча шаҳарларида бўлгани каби Термизда ҳам кўплаб замонавий автобус бекатлари қурилган. Йўловчилар учун қулай шартлар — павильонлар, ўриндиқлар, чикинди қутилари, ҳатто баъзи бекатларда шинам кутубхоналар ҳам барпо этилган. Бу яхши, аммо муаммо шундаки, айни имкониятлардан фойдаланиш маданияти шаклланимагани ачинарли. Масалан, йўловчилар учун махсус ажратилган жойлар туриб, одамлар ўттизи, қирқ қадам нарида автобусни тўхтатишга ҳаракат қилмоқда. Хайдовчи эса кунлик режани бажариш учун уларга тўхташга мажбур. Бу эса ҳаракат хавфсизлиги, йўлдаги барча ҳаракат иштирокчиларига ноқулайлик туғдириши бор гап.

Қарс икки қўлдан...

Баъзида эса бекатлар атрофини такси хайдовчилари ёки енгил автоуловлар эгаллаб олади. Бундай вазиятда асосий оғирлик автобус хайдовчиларига тушади. Афсуски, бугун улар шундай шароитда меҳнат қилмоқда.

— Узоқ йиллардан бери Термиз шаҳрида йўналишли автобус хайдайдим, — дейди Шавкат Валикулов. — Ишмиз эрталаб соат 6:30 да бошланади, кечқурун 20:00 гача йўлдамиз. Деярли ҳар кун бир хил ҳолат: одамлар бекат борлигини билиб туриб ҳам, унга эътибор қилмайди. Қўчма, маҳаллани ёки тор йўлакни, қаердан чиқса, ўша жойдан қўл кўтарайди. Тўхтамасак, автобус ортидан югуради ёки овозини борица бакиради. Бундай ҳолатда айб қўпична хайдовчиларга юкланади. Замонавий бекатлар бўла туриб, бундан фойдаланмаслик маданиятсизлик эмасми?

Назаримда, йўловчилик мадани-

ятини шакллантириш учун шундай тажриба ўтказилса яхши бўларди. Дейлик, оммавий равишда кунлик режа топширилишига бироз муддат енгиллик берилса, шундан фойдаланиб биз маълум бир вақт мобайнида фақат бекатларга тўхтамас, белгиланмаган жойдан одам олмасак, балки шундагина йўловчилар тартиб-қоидага риоя қилармиди, деб ўйлайман.

Шавкат Валикуловнинг бу гаплари нафақат хайдовчиларнинг, балки транспорт тизимидаги муаммони очиклайди. Чунки ҳар қандай тизим марказизда, аввало, инсон туриши керак. Ҳар қандай инфратузилмадан аввал — тафаккур, тартиб, тушунча устувор бўлиши даркор.

Яна бир жиҳдий муаммо. Термиз давлат университети шаҳарнинг асосий автомобиль йўли бўида жойлашган. Университетнинг марказий дарвозаси қаршисида светофор ўрнатилган. Талабалар шу светофор-

Ижтимоий хизмат:

АҲОЛИ МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Тасаввур қилинг: уммоннинг баъзан сокин, баъзида мавжланиб, телбавор оқиши бор. Шундай пайтда шиддатли тўлқинларнинг шашти олдида кемалар ҳам мувозанатини йўқотади...

Ҳамюртимиз Гулбаҳор Арабова ҳаёт аталмиш тақдир зарбаси сабаб ана шундай қўйга тушди. Турмуш ўртоғи хорижга ишлагани кетганди. “Фалокат оёқ остида” деганларидек, у етти ёт элда вафот этди. Оғир йўқотиш наинки у, балки кексайиб қолган қайнонасининг ҳам қаддини букди. Бу ёқда ота йўлига интизор гўдақларни айтмайсизми?

Ғамхўрлик

— Шундай қийин жалла-да давлатимизнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати Гулбаҳор Арабованинг оиласи учун аини муддао бўлди, — дейди Пешку туманидаги “Хуррам” маҳалла фуқаролар йиғинига ижтимоий ходим сифатида бириктирилган Умрзоқ Рўзимуродов. — Хонадон Камбағал оилалар реестрига киритилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан мавсумий кийим-бош ва қўндалик эҳтиёжлар учун моддий ёрдам ажратилди. Оилага боқувчисини йўқотганик ҳамда болалар нафақаси тайинланди.

Халқимизда “Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ” деган нақл бежиз айтилмаган. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги туман бўлимига шу маҳаллада яшовчи Замира Қодировадан ҳам мурожаат тушди. “Маҳалла еттилиги” иш-тирокида ариза атрофлича ўрганилди. Натижада ногиронлиги бўлган бу аёл хонадон алоҳида рўйхатга олинди. Шу жараёнда Замира опанинг тикувчилик борасида маълум бир кўникмага эгаллиги ҳам назардан четда қолмади. Унга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Энди у уйда ишлаб, қўни-қўшнилардан тушган буюртмаларни бажариш, қўшимча даромад топиш имконига эга. Бундан ташқари, фарзанди олий ўқув юртига имтиёзли тарзда қабул қилинди. Оилага электр энергияси ва табиий газ учун компенсация тўловлари тайинланди.

— Бугунги кунда маҳалламизда 4 минг 841 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Умрзоқ Рўзимуродов. — Уларнинг 209 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож.

Ногиронлиги бўлган 107 фуқаро ҳам бор. Эл қатори яшаши, ўзларини бировдан кам ҳис этмаслиги учун улар давлатимиз томонидан яратилган қўлайлик ва имтиёزلардан баҳраманд бўлмоқда.

98 ёшли онахон Саида Боева қизларини олисга турмушга берган, шу тўфайли ёлғиз. Аммо ўз ақинларига меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Саида бувини ҳам жигар-гўшалари ўз холига ташлаб қўйгани йўқ. У айни пайтда укаси Эркин Боевнинг оиласи билан яшаб келмоқда. Лекин бу ҳол табарруқ ёшдаги онахоннинг давлатимиз томонидан кўзда тутилган ғамхўрлигидан фойдаланишига монелик қилмади. Чунончи, Саида буви Якка-ёлғиз кексалар реестрига киритилди. Унга компенсация маблағлари тўланмоқда. Укаси онахонга расман қаровчи этиб бириктирилди. Бу ҳам унинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланишига хизмат қилмоқда.

— Минг қарра шукр, — дейди Саида буви. — Юртимиз тинч, турмушимиз осойишта. Давлатимизга раҳмат, иссиқ-совуғимдан хабар олиб, қўллаб-қувватлашяпти. Бирор-бир нарсга зориққанмиз йўқ.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).



Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 704 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ГАЗЕТАНИНГ ХАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРИ ҚУЛБА ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОННИНГ ОРҚАЛИ ОҚИВЕРИЛГАН.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ТАХРИРГАТГА КЕЛГАН ҚЎЛЭМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

ГАЗЕТАНИНГ СЎЗЛАБИ БЕРИЛИШИ УЧУН ОБУНАНИ РАСМийЛАШТИРГАН ТАШКИЛОТ ЖАВОБГАР.

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТ КОМПЬЮТЕР МАРКАЗИДА ТЕРИДАЛ ХАМДА ОПЕРАТОР М. БЕГМУРАТОВ ТОМОНИДАН САҲИФАЛАНДИ.

ГАЗЕТАНИНГ ПОЛИГРАФИЯ ЖИҲАТДАН СИФАТЛИ ЧОП ЭТИЛИШИГА “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ МАСЪУЛ. БОСМАХОНА ТЕЛЕФОН: 71-233-11-07.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-йўй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳас — С. Исмолов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.10 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6